

Одил Ёкубов Козогистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманининг Карнок кишлогида хизматчи оиласида 1926 йили тугилди. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945—1950 йилларда Кизил Армия сафида хизмат килди. Ёш аскар совет-япон уруши мухорабаларида иштирок этади.

1951—1956 йилларда у Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг филология факултетида ўқииди. 1955—1959 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслахатчи, «Литературная газета»нинг (1959—1963, 1967—1970) республикамиздаги маҳсус мухбири, «Ўзбекфильм» киностудиясида ва Республика кинематография қўмитасида бош мухаррир, Гафур Гулом нашриётида бош мухаррир (1970—1982) ўринбосари бўлиб ишлади. Сўнгра «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг (1982—1989) бош мухаррири бўлиб хизмат этди. Хозирги даврда у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг фахрий раисиdir.

Одил Ёкубовнинг биринчи йирик асари — «Тенгдошлар» повести 1951 йилда босилиб чиқди. Унинг «Чин мухаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди» (1958) каби комедиялари Хамза номидаги ўзбек академик драма театри сахнасида кўйилди.

1956 йилда «Икки мухаббат» номли насрый асарлар тўплами нашр этилди. Кейин бирин-кетин «Бир фелетон» киссаси (1961), «Муқаддас» (1963), «Санот жуфт бўлади» (1969), «Биллур кандиллар» (1975) каби киссалари чоп килинди. Одил Ёкубовнинг «Ер бошига иш тушса» (1969) номли романи Улуг Ватан уруши йилларидағи вокеликни акс эттиради.

«Канот жуфт бўлади» (1969) повести врачлар, меъморлар, ишчилар мавзуи билан бирга мураккаб ижтимоий ва ахлокий муаммоларни хал этишга багишлиган. Муаллиф унда равshan, эсда колувчи образлар яратган. «Излайман» повестида 1945 йил япон милитаризмига карши кураш вокеалари акс эттирилади. У маълум маънода автобиографик асар хамдир. Чунки, муаллифнинг ўзи ўша вокеаларнинг жонли гувоҳи.

Ёзувчи кейинги йилларда яратилган «Улугбек хазинаси» романида (1974) улуг ўзбек астрономи Улугбек ва унинг ўгли Абдуллатиф ўртасидаги зиддиятларни кўрсатиб, прогрессив ва реакцион кучлар орасидаги курашларни тасвирлайди. Романда Улугбекнинг истеъододли шогирди, машхур олим Али Кушчининг хам улугвор образи яратилган.

Бошка бир йирик асари — «Кўхна дунё» романида Ўрта Осиёning икки буюк алломаси Беруний ва Ибн Сино хаёти ва фожеали такдири каламга олинади. Уларнинг жаҳон илми-фани тарақкиётига кўшган буюк хиссаларини умумлаштиришга интилади. Шунингдек, Одил Ёкубов замонавий мавзуларда хам «Диёнат» (1973), «Оккушлар, оппок кушлар» (1988) каби йирик полотнолар яратди. Агар ёзувчи ўзининг «Диёнат» романида адолатнинг ноҳаклик, тубанлик устидан голиб келишини кўрсатса, «Оккушлар», оппок кушлар» романида эса тургунлик даври иллатларини, илдизи ва окибатларини рўйи-рост гавдалантириб беради. Хар икки холда хам замондошларимизни

маънавий, ахлокий покизаликка даъват этади.

Одил Ёкубов республикамиз театрларида намойиш килинган «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» (1956), «Юрак ёнмоги керак» (1957), «Олма гуллаганда» (1960) ва бошка пъесаларнинг муаллифидир. У мохир таржимон, мунаккид, публийтсист сифатида хам баракали ижод килиб келмоқда.

Ўзбекистон халк ёзувчиси (1985) Одил Ёкубов Мехнат Кизил Байрок ордени хамда Япония устидан козонилган галаба учун медали билан тақдирланган. «Улугбек хазинаси» романи учун Хамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Ижодкор, мухаррир, носир, Ёзувчилар уюшмаси бош котиби вазифаларида хизмат килиб келди. Шу кунларда Одил Ёкубов Ўзбекистон Вазирлар махкамаси кошидаги республика Атамалар комитетига раҳбарлик килмоқда.